

## «РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»

Тошкент вилоят Чирчик шаҳар  
Адлия бўлими Давлат хизматлари  
Маркази томонидан  
2023 йил «Оз номидан  
2304623-сонли реестр билан

## «ТАСДИҚЛАНГАН»



«O'zKIMYOSANOATLOYIHA»  
aksiyadorlik jamiyati ning акциядорлар  
умумий тигилиши томонидан  
2023 йил 25 октябрдаги  
39-сонли карори билан

# «O'ZKIMYOSANOATLOYIHA» aksiyadorlik jamiyati УСТАВИ (янги таҳрир)

## *I - бўлим.*

### *Умумий қоидалар*

1.1. «Ўзкимёсаноатлоиха» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш қўмитасининг 2002 йил 26 июнданги 171 к-ПО-сонли «Ўзкимёсаноатлоиха» давлат шўъба лойиҳа-технологик институтини очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида»ги буйргига асосан ташкил этилган.

1.2. «Ўзкимёсаноатлоиха» акциядорлик жамияти (бундан бўён матнда Жамият деб юритилади) барча акциядорларига нисбатан уларнинг улушлари, даромадлар даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг муносабатни таъминлайди.

## *II-бўлим.*

### *Жамиятнинг фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили*

2.1. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи (лотин алифбосида):

«O'zkimyosanoatloyiha»aksiyadorlik jamiyat;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи (лотин алифбосида):

«O'zkimyosanoatloyiha» AJ;

Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи (кирилл алифбосида):

«Ўзкимёсаноатлоиха»акциядорлик жамияти;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи (кирилл алифбосида):

«Ўзкимёсаноатлоиха»АЖ;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

Акционерное общество «Узкимёсаноатлоиха»;

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:

АО «Узкимёсаноатлоиха»;

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:

Joint-Stock Company «Uzkimyosanoatloyiha»;

Жамиятнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:

JSC «Uzkimyosanoatloyiha».

2.2. Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили:

111700, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Тошкент кўчаси, 4-уи.

2.3. Жамиятнинг электрон почта манзили: office@himproekt.uz.

2.4. Жамиятнинг расмий веб сайти: www.himproekt.uz

## *III-бўлим.*

### *Жамиятнинг хуқуқий мавқеи*

3.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустакил балансига, алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эгadir. Ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳаклиdir.

3.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.3. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

3.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобрақамларни очишга ҳаклиdir.

3.5. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалок муҳрга эга бўлишга ҳакли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.6. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳакли.

## *IV-бўлим.*

### *Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишилари), мақсади ва хуқуқлари*

4.1. Жамият фаолиятининг мақсади - Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти манфаатларида

илемий ва лойиҳа-конструкторлик ишланмаларни жорий этиш йўли билан ва Ўзбекистон Республикаси конуни асосида назарда тутилган бошқа фаолият турлари орқали фойда олиш хисобланади.

4.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилар хисобланади:

**Илмий-тадқиқот ишлари:**

- кимё саноатида технологик жараёнларнинг янгиларини тадқиқ этиш (тайёрлаш-ишлаб чиқиш) ва мавжудларини такомиллаштириш;
- кимёвий ва унга яқин соҳа саноатлари учун юқори сифатли иссиқ масса алмашувчи аппаратлар тадқиқ этиш;
- энергияни тежаш жараёнларини ва аппаратларни тадқиқ этиш;
- хаво ва сув хавзаларини (бассейн) муҳофаза қилиш соҳасида, уларнинг аппаратларини расмийлаштиришни хисобга олган ҳолда тадқиқ этиш;
- кимёвий сув тайёрлаш ва сувни тозалаш;
- Ўғитларни, ўсимликларни кимёвий химоялаш воситалари, озуқа емининг кўшимчалари ва кимёвий консервантлар;
- табиий газдан мукобил (алтернатив) мотор ёқилғисини олиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш ватайёрлаш;
- кимё саноати маҳсулотларининг сифатини ошириш;
- ҳалқ истемол моллари;
- кимё маҳсулотларини тайёрлаш ва тайёрларини сотиши;
- кимё маҳсулотларини стандартлаштириш, метрология ва сертификация бўйича ишлар;
- кимёвий ишлаб чиқаришдаги қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни ишлатилиши ва қайта ишлатиши;
- саноат корхоналари ва аҳоли яшаш жойи атмосферасига чиқариб ташланган зарарли чиқиндилардан тозалаш, зарасизлантириш ва ишлатиши;
- меъёрий техник хужжатларни ишлаб чиқиш;
- институтда ишланмаларни (кўлёзмаларни) жорий этиш.

**Лойиҳалаштириш:**

- кимё соҳасида ишлаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, қайта қуриш (қайта тиклаш-реконструкция) ва кенгайтириш, янги қурилишлар учун комплекс ва алоҳида лойиҳаларнинг иш турлари бўйича ишланмалар (кўлёзмалар) тайёрлаш;
- ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш бўйича, корхоналар ва қишлоқлар учун ижтимоий ривожлантириш обьектлари бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш;
- портлаш-ёниш хавфи бор ишлаб чиқаришларни (корхоналарни) лойиҳалаштириш;
- автоматик ёнгин ва қўриклиш сигналлари (хабар бериш) воситалари тизимини лойиҳалаштириш;
- ёнгин депосини лойиҳалаштириш;
- атроф муҳитга таъсирини баҳолаш (АМТБ-ОВОС) амалларни бажариш;
- чиқинди, ташландик ва аҳлатларни меъёrlаштириш бўйича ишларни олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикасида тадбиқ этилаётган (кўлланилаётган) "Босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари" босим остида ишлайдиган идишларни лойиҳалаштириш (конструкторлик) чизмаларни бажариш;
- табиий газлар билан газ таъминлаш тизимларини (газ, газнефтли, газ-конденсатли конлар), суюлтирилган углеводородли газлар (СУГ) ҳом-ашё ва ёқилғи сифатида ишлатилаётган) тизимларни лойиҳалаштириш;
- сейсмик жойларда (туман-худуд) қурилиш конструкцияларни, жиҳозларни лойиҳалаштириш;
- чет эл фирмалари билан ишлаб чиқаришнинг барча боскичларида лойиҳаларнинг алоҳида (айрим) қисмларини бажариш;
- чет эл фирма ва компаниялари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёр ва қоидаларига мослигини (мувоғиқлигини) текшириш;
- фавкулотда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича (чора тадбирларни) ва фуқаро мудофааси бўйича мухандис-техник чора-тадбирларни тайёрлаш;
- лойиҳа-смета хужжатларини кўпайтириш;
- қурилиш обьектлари учун муаллифлик назоратини амалга ошириш;

- ишлаб чиқариш кувватларини ишга туширишда, ўзлаштиришда ва лойиха кўрсатгичларига чиқаришда катнашиш, корхоналарнинг фаолиятини техник-иктисодий таҳлилини ўтказиш (олиб бориш) ва хўжалик фаолиятининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш (тайёрлаш);

- кимё корхоналари томонидан бажарилган регламентлар ва лойиҳа-смета хужжатларини келишиш ва тайёрлаш;

- ходимларнинг малакасини ошириш ва ўқитиш бўйича курсларни ташкил этиш;

- полиграфия (нашр этиш) фаолиятида хизмат кўрсатиш ва маҳсулотлар тайёрлаш.

4.4. Жамият руҳсатнома (лицензия) талаб қиласидаги фаолиятни амалга ошириш учун тегишли руҳсатнома (лицензия) олинганидан сўнг ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

4.4. Жамият қуидаги хукуқларга эга:

4.4.1. ўз филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

4.4.2. юридик шахс бўлган шўъба хўжалик жамиятлари ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиш;

4.4.3. ўз маблағларини қўшма ва бошқа турдаги корхоналар ташкил этишга жалб этиш ва тегишли даромад ва фойда олиш учун бошқа турдаги фаолиятларни амалга ошириш;

4.4.4. ишга меҳнат шартномаси асосида қабул қилиш, ишга фукаролик – хукуқий шартномаси (контракт) асосида жалб этиш, ишга вақтингчалик ва бошқа турдаги ижодий жамоатлар ҳамда мустакил фукароларни пудрат шартномалари ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат келишув битимлари шартлари билан жалб этиш;

4.4.5. профилактик-даволаш ва тиббий-консультатив (маслаҳат) муассасаларига ва ижтимоий инфратузилмаларнинг бошқа объектларига эга бўлиш;

4.4.6. соҳа ишчилари ва акциядорларнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида дам олиш зоналари, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқа муасасаларга эга бўлиш ва (ёки) уларни ижарага олиш.

4.5. Жамият ўз олдига қўйилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш мақсадида бошқа хукуқларга хам эгадир.

#### *V-бўлим.*

#### *Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори*

5.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хилдир.

5.2. Жамият Устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 3 082 740 000 сўмни ташкил киласи ва номинал қиймати 5 000 (беш юз) сўм бўлган 612 762 дона эгаси ёзилган оддий ва 3 786 дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга бўлинган.

#### *VI-бўлим.*

#### *Жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари*

6.1. Жамият томонидан 612 762 дона эгаси ёзилган оддий ва 3 786 дона эгаси ёзилган имтиёзли акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

6.2. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равища чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 1 500 000 дона оддий ва 500 000 дона имтиёзли эгаси ёзилган акциялардан иборат.

6.3. Жамият акцияларининг номинал қиймати 5 000 сўм.

#### *VII-бўлим.*

#### *Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш*

7.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

7.2. Кўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

7.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият акциядорларининг умумий

йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

7.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

7.6. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳакидаги карор Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

7.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва хисобланган дивидендлар хисобидан конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

7.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали хисобидан кўпайтириша қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

7.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида карор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдолариға чиқариш) нархи Жамиятнинг Кузатув кенгashi томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

7.10. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида, биржа ва биржадан ташкари бозорларда конун хужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

7.11. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳаки пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштирища овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳукуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳукуқига эга.

7.12. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳукуклар (шу жумладан мулкий ҳукуклар) орқали амалга оширилади. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорида белгилаб қўйилади.

7.13. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичida ҳақ тўланиши лозим.

7.14. Агар Жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳаки тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати конун хужжатларида белгиланган энг кам иш хақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳаки сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

7.15. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.16. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартришлар киритиш ҳакидаги карорлар акциядорларнинг умумий

йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.17. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тұғрисида қарор қабул қилинаётгандан акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини күрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

7.18. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тұғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан үттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қиласы. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тұғрисида ўзларига билдириш юборилған санадан эътиборан үттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлық заарларнинг ўрнини қоплашыни талаб қилишга ҳақлы.

### **VIII-бұлым.**

#### **Жамият бошқарув органдары, уларни шактлантириши тартиби ва ваколатлары**

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва ижроия органды Жамиятнинг бошқарув органларидир.

8.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юкори бошқарув органды.

Агар Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорға тегишли бўлса акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Мазкур устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилған масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, Жамиятнинг имтиёзли акциялари конун хужжатларига мувофик овоз бериш хукукини олиши ҳоллари бундан мустасно.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8.4. Жамият хар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

8.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши одатда молия йилининг 30 июнь куни ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тұғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органды билан тузилған шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек конун хужжатлари ва мазкур уставга мувофик Жамиятнинг йиллик хисоботи, Жамият ижроия органды Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тұғрисидаги хисоботлари ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

8.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиши санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишига тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

8.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

8.8.1. Жамият уставига ўзgartериши ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

8.8.2. Жамиятни қайта ташкил этиш;

8.8.3. Жамиятни тугатиши, тугатувчини (тугатиши комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиши балансларини тасдиқлаш;

8.8.4. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши;

8.8.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

8.8.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириши;

8.8.7. ўз акцияларини олиш;

8.8.8. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг

рахбарини сайлаш (тайинлаш) ва рахбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Ўз навбатида, Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг ижроия органи билан тузилган шартномани, агар у (улар) Жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки у (улар)нинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) хукукига эга;

8.8.9. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

8.8.10. Жамиятнинг йиллик ҳисботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан холда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш. Зарур холларда Жамиятнинг тасдиқланган ривожлантириш стратегияларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш;

8.8.11. Жамиятнинг фойдаси ва заарларини таксимлаш;

8.8.12. Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг хуносаларини эшлиш;

8.8.13. мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.8.14. акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;

8.8.15. акцияларни майдалаш ва йириклиши;

8.8.16. Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;

8.8.17. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-బобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.8.18. Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битмларни аниқлаш;

8.8.18. мустакил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган холда бизнес жараёнлар ва лойихалар Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги хар йиллик тахлилини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

8.8.20. Ички назорат, Дивиденд сиёсати, Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида харакат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

8.8.21. аудиторлик ташкилотларининг ҳисботларини хар йили тасдиқлаш;

8.8.22. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш бўйича қарор қабул қилиш;

8.8.23. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

8.8.24. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

8.8.25. Жамиятнинг Кузатув кенгашига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

8.8.26. мазкур Жамият уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.9. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Жамият Уставининг 8.8.1., 8.8.2., 8.8.3., 8.8.5., 8.8.12. бандлари ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ҳамда 88-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Соликка оид ёки давлат олдидаги бошқа карздорлик ҳисбига жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият

акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

8.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор килиш йуллари билан етказилади.

Агар Жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса Жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

8.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар фойдани тақсимлаш бўйича таклифлар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органдинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

8.12. Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

8.13. Кузатув кенгаши Жамиятнинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

8.14. Жамият кузатув кенгашнинг сон таркиби 5 кишидан иборат.

8.15. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

8.15.1. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг хисоботини мунтазам равишда эшлиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

8.15.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чакириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

8.15.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

8.15.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойини белгилаш;

8.15.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

8.15.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

8.15.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8.15.8. қонун хужжатларида ва мазкур уставда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг ижроия органи ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

8.15.9. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

8.15.10. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг хисоботларини эшлиб бориш;

8.15.11. Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар кандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

8.15.12. аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.15.13. дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

8.15.14. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фонdlаридан фойдаланиш;

8.15.15. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

8.15.16. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

8.15.17. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя килиш тўғрисида»ги Конунининг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган холларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул килиш;

8.15.18. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

8.15.19. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя килиш тўғрисида»ги конунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қофозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

8.15.20. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул килиш;

8.15.21. қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.15.22. акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланган чегара доирасида Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш.

8.15.23. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

8.15.24. Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

8.15.25. Кузатув кенгаши қошида қўмиталар (ишчи гурухлар) тузиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;

8.15.26. акция ва улушларга Жамият эгалик қилаётган корхона ва ташкилотларнинг бошқарув органларида Жамият номидан унинг вакилларини овоз бериш тартибини тасдиқлаш.

8.15.27. Жамиятнинг асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шўъба хўжалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисидаги ҳисботини хар чорақда кўриб чиқиш;

8.15.28. Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш.

8.16. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги конуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

8.17. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

8.18. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

8.19. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибиға сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланishi мумкин.

8.20. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

8.21. Кумулятив овоз беришда хар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланниши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

8.22. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибиға сайланган деб ҳисобланади.

8.23. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

8.24. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

8.25. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисини чақирилишини талаб қилишга

хақли.

8.26. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8.27. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчилиқда ва мазкур уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.

8.28. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.

8.29. Жамият ижроия органи уч йил муддатга сайланади (тайинланади).

8.30. Жамият ижроия органи акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади (тайинланади).

Акциядорлар умумий йиғилишининг карорига кўра Жамият ижроия органини тайинлаш, қоида тарқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

8.31. Жамият Бош директорининг ҳукуқ ва мажбуриятлари конун хужжатларида, мазкур уставда хамда Жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланади.

8.32. Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгashi ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

8.33. Жамиятнинг ижроия органи тўланадиган ҳак микдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

8.34. Жамият Бош директорининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл кўйилади.

8.35. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) хақли.

8.36. Жамият Кузатув кенгashi Бош директори билан тузилган шартномани, агар Жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар этказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳукукига эга.

8.37. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Жамият Бош директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият Бош директорининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Жамият Бош директорининг вазифасини вақтингча бажарувчи шахсни тайинлаган холда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

8.38. Бош директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Жамият Кузатув кенгashi Жамият Бош директорининг вазифасини вақтингча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қиласди, шунингдек Жамиятнинг Бош директори тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакиради.

8.39. Жамият ижроия органининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

8.40. Жамиятнинг ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

8.41. Жамият Бош директорининг ваколатлари (ҳукуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

8.41.1. ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

8.41.2. Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

8.41.3. Жамият номидан ишончномаларни бериш;

8.41.4. ўз ваколатлари доирасида, Жамият номидан битимлар тузиш;

8.41.5. ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қуллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва

ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

8.41.6. Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

8.41.7. штатларини тасдиқлаш;

8.41.8. Жамиятнинг барча ходимлари, акциядорлик жамиятлари ва ташкилотлари бажариши мажбурий бўлган буйруклар, фармойишлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш;

8.41.9. Жамият Кузатув кенгашининг ишида иштирок этиш;

8.41.10. банкларда ҳисоб ракамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб ракамлар) очиш;

8.41.11. Жамиятнинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

8.41.12. давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вактида тақдим этилишини таъминлаш;

8.41.13. Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

8.41.14. ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол—мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

8.41.15. Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

8.41.16. Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш бундан мустасно;

8.41.17. Жамият филиаллари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

8.41.18. Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чишиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;

8.41.19. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган микдорларда фойда олишни таъминлаш;

8.41.20. қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши ва ишончлилигини, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

8.41.21. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгashi ёки Жамият аудитори талабига кўра тўскинилксиз тақдим этиш;

8.41.22. ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимлар тузиш;

8.41.23. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

8.41.24. дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча хукукларига риоя қилиш;

8.41.25. ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва баркарор ишлашини таъминлаш;

8.41.26. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қилиш;

8.41.27. ҳар қандай битим тузилишида ёки Жамиятга бевосита тегишли ҳар қандай масалада мухим манфаатдорлиги (тўғридан тўғри, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) тўғрисидаги маълумотларни жамият кузатув кенгашига етказиш;

8.41.28. Жамиятнинг репутация рискларини бошқариш;

8.41.29. Жамият Бош директори Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, мазкур устав ва Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (хукуклар) ва мажбуриятларга ҳам эга.

## *IX-бўлим.*

### *Жамиятнинг фонdlари*

9.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан захира фонди ташкил этилади.

9.2. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи микдорида захира фонди ташкил этилади.

9.3. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган микдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг микдори мазкур уставда белгиланган микдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг

зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

9.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

9.6. Агар Жамиятнинг захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўtkазиш тикланади.

9.7. Жамият қонунчиликда бегиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш хуқуқига эга.

#### **X-бўлим.**

#### **Дивидендларни тўлаш**

10.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

10.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

10.3. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивиденdlар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивиденdlар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивиденdlар тўланишини суд тартибida талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар Жамият томонидан Жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди хисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

10.4. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича акциялар номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида дивиденdlар тўланади.

10.5. Жамият тугатилаётгандан имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган қиймат (тугатилиш қиймати) имтиёзли акцияларнинг номинал қийматининг 100 (бир юз) фоизини ташкил қиласи.

10.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини химоя қилиш тўғрисида»ги конунининг 37 моддасида назарда тутилган холларда имтиёзли акцияларни Жамият томонидан сотиб олиш имтиёзли акциялар номинал қийматининг 100 (бир юз) фоизига тенг нарх бўйича амалга оширилади.

#### **XI-бўлим.**

#### **Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиши**

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга З аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

11.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибиغا кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун хужжатлари ва Жамиятнинг мазкур устави билан белгиланади.

11.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

11.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вактнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлиши мумкин эмас.

11.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларнинг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

11.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- Жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган

маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.8. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки иирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда Жамият Кенгаши кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 11.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.9. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига хисобдордир.

11.10. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошка ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

11.11. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хulosасини тақдим этади.

11.12. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий хисботи ва молияга доир бошка ахборот ҳақидаги нотўғри хulosани ўз ичига олган аудиторлик хulosаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

11.13. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) асослар бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашини бу ҳақда олдиндан хабардор килган холда Жамият фаолиятини текшириш учун Жамият хисобидан ташки аудит ўтказишни ташаббус килиш хукукига эга.

11.14. Жамиятнинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик килувчи акциядор аффилланган шахс билан тузилган кайси битим натижасида Жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустакил равища аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга доир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, Жамият суднинг карори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда акциядорнинг аудиторлик ташкилотини жалб этишга доир харажатларининг ўрнини мазкур хизматларнинг бозор қийматидан кўп бўлмаган миқдорда коплаши шарт.

11.15. Жамиятда Кузатув кенгашига хисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат килиш вазифасини бажарувчи корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

11.16. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## **XII-бўлими.** **Якуний қоидалар**

12.1. Жамият акциядорларининг умумий йигилиши мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

12.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

12.3. Агар мазкур уставни бирон бир коидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу коида бошқа коидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

12.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида Жамиятнинг мазкур уставида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари қоидалари қўлланилади.

12.5. Акциядорлар умумий йигилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Жамиятнинг акциядорлар умумий йигилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

12.6. Жамият Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.

12.7. Жамиятнинг миноритар акциядори асосиз равишда хужжатларни талаб қилиб олиш ва маҳфий маълумотлардан, тижорат сиридан фойдаланиш орқали Жамият бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

12.8. Мазкур уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.